

Meros

№ 2/2023

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ 80 ЁШДА

Ҳасаний М. Бугун бизда *(ЎзР Фанлар академияси ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг 80 йиллигига бағишланади)* қўшалоқ байрам 3

Каримова С. Шарқшунослик институти 80 йиллик тарихидан ёрқин лавҳалар 7

МАНБАШУНОСЛИК

Азимов Х. Хитой манбаларида Марказий Осиё ва Хитой савдо алоқаларига оид маълумотлар (милоддан аввалги II – милодий XI асрлар)..... 74

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Якубов Қ. Хоразм солиқ тизимида вақф ерлари (XIX аср охири – XX аср бошлари) 83

Абдурасулов Х. Из истории караван-сараев Туркестанского генерал-губернаторства 95

Базарбаев А. Туркистонда мулк ва жамоа ерларининг ҳуқуқий ҳолати (XIX аср – XX аср бошлари) 106

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Жўраев Ж. “Туҳфаи Сомий”даги Темурий шаҳзодаларга оид маълумотлар 120
Турсунов Р. Фузулий ғазалига Ғозий татаббуъси: икки шоир – икки талқин 134
Эшонова С. Нодира туркий девонларининг ЎзРФА Шарқшунослик институти фондидаги қўлёзмалари матний қиёси 145

ИСЛОМШУНОСЛИК

Усмонов И. Ҳаким Термизийнинг фиқҳга оид қарашлари 159
Муҳаммадаминов С. XVII аср Марказий Осиё *жўнг* тўпламларида *уруш диёри* масаласи 173
Хуснутдинов Ф. Исламская литература для эмигрантов из Советской Средней Азии. «Книга о паломничестве» Саййида Махмуда Тарази (1895–1991) 188

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Каримова Н., Алимова Л. К истокам женского образования в Китае и Корее (конец XIX – начало XX вв.) 206

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2023 йил 27 декабрдаги 9-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов *(Бош муҳаррир)*
Сурайё Каримова *(Бош муҳаррир ўринбосари)*
Салимахон Эшонова *(Масъул котиб)*
Наталья Каримова *(Рус тили муҳаррири)*
Акрам Ҳабибуллаев *(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)*
Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин *(Германия)*
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек *(Туркия)*
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail*: beruni1@academy.uz*

22.12.2023 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 7. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №:16-23. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилд и.

Tirmidhi appears as a thinker who managed to combine jurisprudence, Sufism and philosophy. The article analyzes the basis of discussions between representatives of jurisprudence and Sufism. The opinions of Hakim Tirmidhi on cases of misinterpretation by jurists of the meaning of the word “fiqh” are described.

Key words: *Islamic jurisprudence, ijtihad, objectives of Sharia, illah, hikmat, hadith, analogy, madhhab, Sufism, hadith scholar.*

С. Муҳаммадаминов

XVII аср Марказий Осиё *жўнг* тўпламларида *уруш диёри* масаласи

Ислом тарихида мусулмонлар яшаган ва ислом қонунлари билан тартибга солинган ҳудудлар *дор ал-ислом* (ислом диёри) деб юритилса мусулмон ҳудуд ташқарисида жойлашган номусулмон мамлакатлар *дор ал-харб* (уруш диёри) деган фиқҳий истилоҳлар қўлланилган [8: 73].

Мазкур масалалар бўйича ўрта асрларда ва ундан кейин яратилган Марказий Осиё уламоларининг кўплаб фиқҳий асарларида ҳам кенг тўхталиб ва уларда асосан ҳанафий мазҳаби асҳобларининг қарашлари илгари сурилган. Фиқҳий манбаларда бу билан боғлиқ масалалар “*Китоб ал-жиҳод*” (“Жиҳод китоби”) (баъзи фиқҳий адабиётларда “*Китоб ас-сияр*” (“[Харбий] юришлар китоби”) бобида кўрилган. Шунингдек, юртимиз ҳанафий уламолари ўз асарларида бу тушунчаларга воқеликдан келиб чиқиб ўз фикрларини баён этишган. Мисол учун, Марказий Осиёни муғуллар томонидан босиб олиш ортида ҳудуднинг *дор ал-харб*га айланиш ва айланмаслиги муаммоси уламолар кун тартибида турган эди ва ўша давр уламоларнинг аксарияти ушбу диёрни *дор ал-ислом* бўлиб қолишига ижтиҳод қилишган [17: 5853]. Шунга ўхшаш тарихий воқеа XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Рус империяси тасарруфига Туркистон ҳудудлари киритилганидан кейин маҳаллий зиёлилар (тарихчи ва уламолар) ўртасида мусулмон диёрлари эндиликда *дор ал-харб*га айланиши ёки айланмасилиги борасида баҳсу мунозаралар бўлган эди. Бу давр уламоларининг кўпчилиги Туркистонни руслар бошқарса ҳам у ҳудуд *дор ал-ислом*

бўлиб қолишига иттифоқ қилишган [21: 449–475; 6: 531–539]. Бундай масалалар турли даврларда кўриб турганимиздек, муайян йирик харбий-сиёсий вазиятлар, аниқроғи, мусулмон ва мусулмон бўлмаган давлатлар ўртасидаги сиёсий курашлар ортидан юзага келган. Шунинг билан бирга мусулмонлардан иборат бўлган сунний ва шиа жамоалари ёки давлатлари ўртасида худуд учун курашда *дор ал-харб* истилоҳидан унумли фойдаланишган ва у масалага диний сиёсий тус берилган. Буни Шайбоний (1501–1601) ва Сафавийлар (1502–1736) ўртасидаги ўзаро курашларда яққол кузатиш мумкин.

Шайбонийлар даврида Сафавийларга қарши кураш жараёнида *дор ал-харб* масаласи ўртага чиқди ва эндиликда бу масала ҳам сиёсий ҳам ижтимоий-диний аҳамиятга эга бўлди. Бу масаланинг келиб чиқиши асосий сабаблардан бири, Хуросонда юзага келган ҳарбий-сиёсий вазият бўлиб унда Темурийларга тегишли бўлган ҳудудларни босиб олган Сафавийлардан қайтариб олиш мақсадида Шайбоний ҳукмдорлари диний ҳарбий уруш эълон қилган [7: 76–77]. Бунда Сафавийларнинг XVI аср бошидан бошлаб сунний аҳоли яшаётган Хуросон ҳудудларига бостириб кириши ва кейинчалик у ерларда бошқарув тузилмаларида (масалан: қозилик институтида) шиаликка мансуб бўлган шахсларнинг бошқариши ва шиа қонунларининг жорий этилиши, шунингдек, суннийлар орасида ақидавий ва фиқҳий ихтилофларнинг юзага келиши Шайбоний ҳукмдорларини ташвишга солган. Шайбоний ҳукмдорлари Хуросонга харбий юришини қонуний тус бериш ниятида ўша давр ислом қонунчилигида мустаҳкам ўрин олган *дор ал-ҳарб* ва *дор ал-ислом* тушунчалари ёрдамида ҳолатга уламолардан изоҳ ва муносабат билдириш сўралган [19: 667*а*].

Қуйида бир гуруҳ уламолар томонидан тузилган ва тасдиқланган Хуросонга кириб келган шиа тоифасига мансуб “қизилбошлилар”[1] га қарши курашга қаратилган фатволарнинг умумий мазмунига тўхталамиз.

Мазкур фатволардан бири Убайдуллоҳхон (1533–1539) даврида иккинчиси эса Абдуллоҳхон II (1583–1598) даврида тузилган. Ушбу

[1] Қизилбошли – даставвал – XVI асрда Эронда Сафавийлар (1502–1736) сулоласининг давлат тепасига келишига ёрдам берган озарбайжон қабилаларининг номи. Ушбу ном бу қабила жангчилари кийиб юрган ўн икки (шиаликдаги ўн икки имом шарафига) қизил чизиқлик салланинг номидан олингандир. Кейинчалик “қизилбошли” сўзини суннийлар Эрон шиа қўшинларига нисбатан қўллашган. Қаранг: [12: 132].

ҳужжатларнинг қадимий нусхалари ЎзР ФА ШИ фондида сақланаётган Бухоро хонлигида тузилган №10727 рақамли *жўнг*[1] тўпламидан ўрин олгани диққатга сазовордир. *Жўнг*да ўрин олган фатволар асосан форс тилида бўлиб матннинг айрим ўринларда Қуръони Каримдан оятлар ва ҳадислар араб тилида келтирилган. Ушбу фатволарнинг бошқа нусхалари ЎзР ФА ШИда сақланаётган айрим *жўнг*лар таркибидан ҳам ўрин олган.

10727 ашё рақамли "Мухтасар ал-виқоя маъ *жўнг*" ("Ихчамчлаштирилган Виқоя [китоби] ва [унга қўшилган масалалар] мажмуи") тўплам қўлёзмаси. Мазкур тўплам Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти картотекасида "Мухтасар ал-виқоя[2] маъ *жўнг*" номи билан қайд этилган. Қўлёзманинг умумий ҳажми 728 варақдан иборат. Варақ ўлчами 24,5х19 см. *Жўнг* тўпламидаги асосий матн бу "Мухтасар ал-виқоя" асари матни ва унинг ҳошиясидаги шарҳлари билан умумий ҳисобда 313 варақни ташкил қилади. Тўпламнинг иккинчи қисми асосий матнга параллел равишда шарҳ ва изоҳлари ҳамда турли фиқҳий асарлардан мавзуга доир кўплаб кўчирма ва иқтибослар алоҳида қўлёзма варақлардан ўрин олган. Айнан мана шулар *жўнг* тўпламининг асосини ташкил қилади ва умумий ҳисобда 514 варақдан иборат. Қўлёзманинг кўплаб варақаларида бир муҳр босилган. Муҳрда [وقف شد خالصا لوجه الله] 1244 ҳ.й. яъни [Китоб] Аллоҳ йўлида вақф қилинди, 1244/1828]. Муҳрда қўлёзма ким томондан ва қаерга вақф қилингани ҳақида маълумотлар учрамайди. Лекин зикр қилинган даврда кўплаб китоблар вақф қилингани ҳақида ЎзР ФА ШИда сақланаётган қўлёзмаларнинг муҳрлари гувоҳлик беради[3]. Мазкур *жўнг* нусхаси қози ва

[1] *Жўнг* сўзи XVII–XVIII форсий ва кейин туркий луғатларда асосан "катта кема", "турли шеърлар тўплами" каби маъноларни англатиб келган. Тарихдан бу сўз регионаллик хусусиятидан келиб чиқиб тўпламларга нисбатан ишлатилган. Марказий Осиёда эса *жўнг* сўзи асосан қозилар томонидан тузилган фиқҳий масалалар, намунавий ривоят ҳужжатлар мажмуаси учун ишлатилган. Қаранг: [23; 22].

[2] "Мухтасар ал-виқоя" асари муаллифи Садр аш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд Ҳанафий (ваф.745/1344).

[3] Масалан, ЎзР ФА ШИда 1462 рақами остида сақланаётган Абу Ҳафс Насафийнинг "Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум" ("Юлдузларнинг чиқиш ва илмларнинг тўпланиш жойи") нодир қўлёзма асари нусхаси тўпламнинг ҳар бир саҳифасига Бухоро ҳукмдори Амир Ҳайдар (1214–1242/1800–1826)нинг ўғли Йар бий нинг муҳри туширилган. Унда форс тилида қуйидаги сўзлар битилган (мазмуни): "Йар бий бу нусхани ўз отаси хоқони динпарвар Ҳазрати Султон Амир Ҳайдар руҳига

муфтийларнинг қозилик ишларида истеъмолда бўлиб, Манғитлар даврига келиб тўплам вақф сифатида мадраса ёки масжид кутубхонасига ўтказилган.

Қўлёзманинг муқоваси қаттиқ картонли, жигарранг чарм билан қопланган бўлсада устки қисми анча уринган.

Қўлёзма колофонида қуйидаги маълумотни кўрамиз: [تمت المختصر الشريفة بعون الملك الوهاب على يد العبد ضعيف الراجى برحمة الله البارى مير ابو الفضل بن ملا خواجه بخارى غفر ذنوبهما و ستر عيوبهما فى تاريخ 14 شهر رمضان المبارك سنة 1039 ...]

“Мухтасар” шарифа китоби барча нарсанинг эгаси (ал-Малик) ва неъматларни беҳисоб берувчи Зот (Ваҳҳоб) инояти билан, йўқдан бор қилувчи Аллоҳнинг раҳматига умид қилувчи қул, заиф Мир Абулфазл бин Мулла Хожа Бухорий қўли билан Аллоҳ уларнинг гуноҳини кечирсин ва айбини яширсин 14-муборак рамазон ойи 1039 ҳ. йилда / 1630 йил 27 апрел кўчириб тугатилган”. Мазкур котиб фақат “Мухтасар ал-виқоя” (асосий) матнини кўчириш билан кифояланганми ёки унга қўшиб ёзилган кўплаб шарҳлар, кўчирмалар ва ривоят ҳужжатларни ҳам кўчирганми, деган саволга жавоб бериш бир оз мушкул. Лекин қўлёзмани палеографик жиҳатдан ўрганганда асосий матн ва унга турли фиқҳий асарлардан кўчирилган парчаларнинг кўпи бир шахс яъни котиб томонидан амалга оширилганини кўриш мумкин.

*Жўнг*нинг форзац варағида тўпламнинг батафсил фиҳристи берилган (05*б*–06*б*). Унда 58 та боб (китаб) номи ва варақлари аниқ кўрсатилган. Тўплам “Таҳорат” бобидан бошланиб “Хунасалар (гермафродитлар) китоби”га қадар фиқҳий масалаларни қамраб олган. Унга *маҳзар*[1] ва турли фатволар ҳам илова қилинган.

Мазкур *жўнг*нинг муҳим жиҳатларидан бири матн билан бирга ривоят ҳужжатларнинг асл ва кўплаб кўчирма нусхалари ўрин олган. Уларни уч қисмга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчиси – асл ривоят ҳужжатлар. Уларда муфтийнинг оригинал муҳри босилган бўлиб, қўлёзмада тахминан тўртта асл ҳужжат ўрин олган[2]. Эҳтимол мазкур

вақф қилди. 1242 й.” Бундан кўринадики, тўплам Манғитлар хонадонидан бўлган Ёр бийнинг кутубхонасида ҳам сақланган ва кейинчалик у вақф қилинган.

[1] *Махзар* (محضر) да суд амалиётининг бориши ҳақида маълумотлар ёзилган.

[2] Қўлёзманинг форзац варағида иккита асл ҳужжат ёпиштирилган. Уларнинг бирида учта муҳр мавжуд бўлиб биринчиси Расул Боқий ибн Мулло Абдурраҳим 1203/1788–89 й.га тегишли. Иккинчи муҳр ўқиб бўлмади. Учинчи муҳр Мир Абдарраҳмон ал-муфтий ибн Мир Абдуррасул 1197/1782–83й.га мансубдир.

жўнг эгаси қозихонада юзага келган масалаларга шаръий ечим бериб унинг бир нусхасини талабгорга берган бўлса иккинчи нусхани *жўнг*га тикиб қўйган. Бу билан мазкур ривоят ҳужжати муайян масаланинг ечими сифатида шаръий ҳукм бўлиб ислом қонунлари таркибидан мустаҳкам ўрин олган.

Тўпламдан ўрин олган ривоят ҳужжатларнинг иккинчи қисми кўчирма нусхалар бўлиб, уларда муҳр ўрнида легендаси яъни асл муҳр изидан шахс исми-шарифи ва гоҳида санаси кўчирилган. Булар қўлёзманинг кўплаб ўринларида учрайди ва мавзусига қараб варақлар орасига тикиб борилган. Уларнинг адади тахминан юзтадир [19: вв. 18–19, 33–34; 43–44, 44–45, 48–49, 51–52, 517–518, 689–690, 711–712].

Қўлёзмадаги ривоят ҳужжатларининг учинчиси асар матнига киритилган (сингдирилган) кўчирмалар ҳисобланади. Бу типдаги ҳужжатлар *жўнгда* юзтани ташкил қилади. Буларда ҳам муҳр ўрнида легендаси яъни муаллифи (муҳаррир) ва гоҳида санаси қайд қилинган. Мазкур ривоятларнинг муҳим томони *жўнг*да берилган кўплаб фиқҳий масалаларнинг амалий кўринишини намоён қилади. Биз кўраётган *дор ал-харб* масаласи билан боғлиқ фатво ва ривоят ҳужжатлар айнан учинчи қисмга тегишли бўлиб, асарнинг “Китоб ал-жиҳод” бобидан ўрин олган [19: 667*а*–682*б*].

Кўрилаётган *жўнг*да *дор ал-харб* билан боғлиқ бир нечта фатво матнлари мавжуд. Қўлёзмада улар иккита ривоят ҳужжат, биттадан рисола ва баёнот шаклида келган [19: 669*б*–672*а*].

Биринчи фатво ривоят ҳужжат шаклида тузилган бўлиб унда қизилбоши деб номланган машҳур тоифа етмиш йилдан зиёд бир ислом шаҳарини эгаллагани ва қозилик институтларини шиа қозилари бошқариши, Абу Бакр, Умар ва Оиша каби саҳобаларни ҳақорат қилиши, мутъа никоҳни [1] ҳалол деб билиши, мўъминлар (суннийлар) ўз омонлигини йўқотиши каби ҳолатлар Ҳирот шаҳрини *дор ал-харб*га

Қўлёзманинг 45 ва 46 варақлар орасида яна иккита асл ривоят ҳужжати бўлиб, бирида Қози Абдуллоҳ ал-Ҳусайний деган ёзувни кўришимиз мумкин, санаси берилмаган. Шу варақдаги иккинчи асл ривоят муҳри ёзуви ўқиб бўлмади. Юқоридаги ривоят муҳрида берилган 1197/1782–1789 йил санасидан келиб чиқадиган бўлсак қўлёзма ўзи 1630 йилда кўчирилган бўлса мазкур *жўнг* узоқ йиллар давомида муфтийлар истеъмолида бўлганини кўрсатади. Қаранг: [19].

[1] Араб тилидаги “мутъа” сўзи “фойдаланиш”, “ҳузурланиш” маъноларида қўлланилади. Мутъа» никоҳида эркак ва аёл бирор вақт мобайнида бирга яшаб ўзаро фойдаланиб, кейин ажрашиб кетишга ақдлашадилар.

айланиши ва бунинг натижасида у ерда ҳукмдор қўшинлари билан харбий уруш олиб бориш жоизлиги сўралган. Ва бунга олтитта уламонинг бир овоздан “Бўлади” [باشد] деган ижобий жавоби берилган. Ривоят ҳужжат матнида тагида бешта муҳр легендаси берилган ва уларнинг ҳар бирида уламонинг исми шарифи қайд қилинган. Улар: 1) Поёнда Муҳаммад ибн Шамсиддин Муҳаммад ал-муфтий. 2) Муҳаммад Тоҳир ибн шайх шоҳ Муҳаммад. 3) Мулло Садриддин Мир Муҳаммад ибн Мулло Амир Ҳусайний. 4) Нуриддин Муҳаммад ибн ал-Ҳасаний. 5) Муҳаммад Амин муфтий ибн Хожа Калон (XVI) [19: 669*б*]. Шулардан Муҳаммад Амин муфтий ибн Хожа Калон (XVI аср) Шайбоний Убайдуллоҳхон даврининг етук муфтий ва қозиси бўлган [15: 3135]. Шунингдек, Нуриддин Муҳаммад ибн ал-Ҳасаний (XVII аср) ҳам Бухоро қозиларининг қозиси бўлган. Тарихчи Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг (тахм. 1540–1589) таъкидлашича, қози Нуриддин ота бобосидан тортиб Шайбонийлар хонадонига хизмат қилиб келган [20: 116].

Ривоят матни охирида тузувчи ўз номини келтирмаса-да, лекин фатво қачон тузилгани ва қайси ҳукмдор даврида ва ким томонидан етказилгани ҳақида муҳим маълумотларни қайд қилган. Унга кўра, ҳужжат 995 ҳ.йилнинг 12 шаъбон ойида /1587 йилнинг 18 июли, яъни Абдуллаҳон II Ҳирот шаҳрини қамал қилгандан сўнг ушбу ривоят ҳужжати тузилди ва уни Муҳаммад Шариф Бухорийнинг бобоси Мавлоно Муҳаммад Амин ал-муфтий ёзиб ва тасдиқлаб унга Бухоро уламолари иттифоқ қилган. Шунингдек, ривоят ҳужжат охирида котиб: “Уни [ривоятни] етказиб (балиғ) берувчи барча нарсанинг эгаси (ал-Малик), йўқдан бор қилувчи (ал-Бориъ) Аллоҳнинг раҳматига муҳтож устозим Муҳаммад Шариф ал-муфтий ал-Бухорийдир. Аллоҳ уларни ўз карами ва фазли билан афв этсин”, деган жумла билан якунланган [19: 669*б*]. Шу сатрларни ёзган котиб Муҳаммад Шариф ал-муфтий ал-Бухорийни устозим дея тилга олиши ушбу фатво ундан нақл қилинганига далолат қилади[1].

Ушбу *жўнг* қўлёзмасидан ўрин олган иккинчи фатво баёнот шаклида (*сурат ариза*) бўлиб, унда бир гуруҳ уламолар Подшога мурожаат қилиб, юқоридаги ҳужжат ривоятида баён қилинган

[1] Катта эҳтимоллик билан бу ерда фиқҳий масалалар мажмуини тўплашда устознинг кўрсатмаси билан шогирди котиблик қилиб тўпламни яратишган. Бунда жўнгни тузиш лойиҳасини материалларни муфтий Муҳаммад Шариф тақдим қилиб турган бўлса шогирди уларни жўнга кўчириб тартиб бериб борган.

масаланинг мухтасар шаклини берган ва хулосада “У Подшоҳ барча зафарли қўшинлари билан бирга бузуқ кофирларга қарши кураш фарздир. Мусулмон лашкарлардан ҳар бири улар билан жанг қилсин. ... Шариат ҳукмига кўра *дор ал-харб* диёрида, у вилоятда агар мусулмонлар бўлса уларнинг қони, моли талон тарождан сақланади” деган жумла билан тугатилган [19: 670*a*]. Бунда уламолар томонидан подшо ва унинг лашкаларини шиалардан бўлган қизилбошчиларга қарши кураш зарур (фарз) эканлигига баёнот берилган.

Мазкур *жўнг* таркибидан ўрин олган яна бир фатво рисола шаклида бўлиб қўлёзмада “Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад ал-Қуҳистоний томонидан Убайдуллоҳхонинг Ҳирот шаҳри дор ал-харбми ёки йўқми, деган саволига ёзилган батафсил жавоб рисоласи” деб номланган [19: 671*a*]. Мазкур рисола Моваройуннаҳрнинг йирик муфтийси Шамсиддин Муҳаммад ал-Қуҳистонийни (ваф. 963/1554 й.) Шайбоний Убайдуллоҳхон (1533–1539) сўровига ёзган жавоб фатвоси бўлиб, у кўтарилган масалага батафсил жавоби билан шу *жўнг*да ўрин олган бошқа фатволардан фарқланиб туради. Фатво рисоласи билан танишиш жараёнида шу нарса маълум бўладики, Муҳаммад ал-Қуҳистоний мазкур рисолани ёзишдан асосий мақсад подшо берган саволига жавоб бериш билан бирга ўша даврдаги айрим уламолар наздида Хуросон қизилбошчилар томонидан истило қилинган пайтда ҳам у ҳудуд (яъни Ҳирот) шубҳасиз *дор ал-ислом* бўлиб қолаверади ва Рофизийлар[1] исломий фирқа ҳисобланади [5: 128], деган қарашларига қарши қаратилган фатво рисоласи ҳам дейиш мумкин.

Рисолада асосан қуйидаги масалаларга эътибор қаратилган: Рофизийлар деган тоифа Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан кейин Ислом таълимотларидан чекиниб, четга чиққан оқимлар сифатида кўрилади, улар илк халифалар Абу Бакр Сиддиқ (573–634), Умар ибн Хаттоб (582–644)ларнинг халифалик ҳуқуқларини рад этишгани, саҳобаларни залолатда деб ҳисоблаши каби ҳолатлар уларни жазога тортишлигига сабаб бўлиши баён қилинган. Шунингдек, унда *дор ал-ислом* диёри *дор ал-харб* ҳудудига айланишига таъсир этувчи

[1] Рофизий (равофиз – араб тилида “инкор этувчилар”, “тан олмовчилар” маъноларини билдиради) атамасини қўллашган. Муҳаммад пайғамбар (а.с.) вафотидан сўнг халифалик қилган Абу Бакр ва Умар ҳокимиятини тан олмаган, пайғамбар ўзидан кейин Алини ворис қилиб қолдирган, деб даъво қилувчиларга нисбатан ишлатилган атамадир.

омиллар, бунда шаҳар қозиси, ҳокими ва муҳтасиби шиалардан бўлиши, мутаъ никоҳига рухсат бериши, рофизийларнинг ҳукмини изҳор этиши каби масалалар кўрилган. Шунингдек, ҳанафий уламолар Абу Ҳанифа ва унинг шогирдлари Абу Юсуф (731–798) ва Муҳаммад Шайбоний (749–805) каби олимларнинг *дор ал-харб* борасидаги баҳсли фикрлари баён қилинган. Ушбу фатвода кўтарилган аҳамиятли масалалардан бири ҳарбий юриш жараёнида мол-мулкка бўлган муносабатлар. Унда Хуросон ҳудудига кирган харбий жангчининг мулкка ўлжа сифатида қараши ва агар у ўлдирилса шаҳидлик ҳукмида бўлиши каби масалаларга ҳам тўхталган. Муҳаммад ал-Қуҳистоний мазкур рисолани ёзишда “Хайрат ал-фатово” (“Фатволарнинг сараси”)[1], “Анвор ал-Шофеъий” (“Шофеъий нурлари”)[2], “Жавоҳир ал-фатаво” (“Фатволар жавоҳири”)[3], “Ал-Хизона” (“Хазина”)[4], “Китоб ал-Ансоб” (“Насаблар ҳақида китоби”)[5], “ал-Заҳирийа” (“Зоҳириддинга [тегишли фатволар]”)[6], “Шарҳ фи таъвилот” (“Таъвилот асари шарҳи”)[7], “Ма‘олим [ад-дин]” (“Дин устунлари”)[8], “ал-Васит” (“Ўрталик”)[9], “Солат ал-Масъудий” (“Масъуднинг Намоз [китоби]”)[10], “Муғриб” (“Нотаниш сўзлар луғати]”)[11], “Бустон ал-орифин” (“Орифлар бўстони”)[12] каби асарлардан унумли фойдаланган.

[1] Манба аниқланмади.
[2] Манба аниқланмади.
[3] Муаллифи – Рукниддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу ал-Мафохир ибн Абдурашид ибн Наср Кирмоний (ваф. 577/1182). Қаранг: [16: 4833].
[4] *Хизонат ал-фиқҳ* (*Фиқҳнинг хазинаси)* асари муаллифи – Абу ал-Лайс Наср ибн Муҳаммад ас-Самарқандий (ваф. 373/983–984). Қаранг: [15: 3037].
[5] Асар муаллифи Абу Са‘д ас-Сам‘оний (ваф. 562/1167) [9].
[6] Асарнинг тўлиқ номи *ал-Фатово аз-заҳирийа* (*Заҳириддиннинг фатвоси*), муаллифи – Абу Бакр Заҳир ад-дин ал-Марғиноний (ваф. 619/1222-23й.). Қаранг: [1].
[7] Муаллифи – Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандий. Шарҳ таъвилот аҳл ас-сунна. Қаранг: [2].
[8] Маъолим ад-дин. (муаллифи номаълум). Қаранг: [11].
[9] Ал-Ҳасан Али ибн Аҳмад ал-Воҳидий. *Ал-Васит фи ат-тафсир*.(Тафсирдаги ўрталик) Қаранг: [4].
[10] Асар муаллифи XIV асрда яшаб ижод этган Масъуд ибн Юсуф Самарқандийдир. Бу асарнинг кўплаб қўлёзма ва тошбосма нусхалари Республикамизнинг бир неча қўлёзма фондларида сақланади. Қаранг: [18: 7434–7444].
[11] Абу ал-Фатҳ Бурҳониддин Носир ибн Абдуссайид ибн Али ал-Муттаризий ал-Хоразмий (ваф.610/1213). *Ал*-Муғриб. Қаранг: [3: 70*а*].
[12] Фақиҳ, муфассир Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим ас-Самарқандий (ваф. 1003). Бўстон ал-орифин.

Мазкур фатво охирида: “Бу [фатво матни] устоз ёзган хатидан, у эса ўз махдуми хати нусхасидан олган (Аллоҳ унинг ётган жойини қиёматга қадар муқаддас қилсин)”, [من خط الاستاذ و هو من خط مخدومه قدس سره الى يوم القيمة] деган маълумотда шахслар исмини келтирмаган [19: 671*а*]. Лекин котиб қўлёзманинг баъзи ўринларида “устоз ёки устозим ва махдумим” деган сўзларни одатда асосан икки шахс Муҳаммад Шариф Бухорий [19: 506*а*, 558*а*, 614*а*] ва Муҳаммад Амин Бухорий [19: 585*б*][1] муфтийларнинг исми олдидан қўллайди. Шундан келиб чиқиб котиб Шамсиддин Куҳистонийнинг мазкур рисоласини Муҳаммад Шариф Бухорийдан у эса ўз бобоси ва устози Муҳаммад Амин Бухорийдан нақл қилган бўлиши керак. Бунда котиб мана шу шахслар билан яқиндан алоқада бўлган ва эҳтимол бу хонадон вакилларининг давомчилари сифатида илмий анъаналарини давом эттириб устози ва бобоси жамлаган ҳамда тузган ривоят фатволарни ушбу *жўнгда* кўчирган.

*Жўнг*дан ўрин олган *дор ал-харб* билан боғлиқ кейинги қисмида мавзуга доир бир неча фиқҳий масалалар ўрин олган бўлиб, унда ҳам форс, ҳам араб тилида фиқҳий масалалар берилган. Шулардан форс тилида битилган фиқҳий масала юқорида қайд этилган фатво ва ривоятнинг хулосаси десак бўлади. Унга кўра, “Бединлар (кофирлар) ислом шаҳарларидан бир шаҳарни истилоъ қилганидан сўнг у ерда барча ислом нишонлари батамом мавжуд бўлмаса барча уламолар иттифоқи билан у диёр *дор ал-ҳарб* ҳисобланади. Бу ихтилофли масалада ҳазратнинг [2] ҳукмига иттифоқ қилинган. Яна Аллоҳ билгувчи. Шунингдек, барча махдумларнинг [3] жавоблари ҳам шундан иборат” [19: 671*б*]. Шу ҳукмнинг давомида ҳанафий уламолар ва Абу Юсуф (731–798) ва Имом Муҳаммаднинг (749–805) ислом диёри уруш диёрига (дор ал-харб) айланиши бўйича билдирилган фиқҳий қарашлари баён қилинган [19: 671*б*]. Мазкур *жўнг*да шу масала бўйича ўрин олган иккинчи *ривоят ҳужжат* фатвоси ҳисобланади. Бу *ривоят ҳужжат* юқорида келган биринчи *ривоят ҳужжат*идан[4], тахминан, йигирма кун ўтиб яъни рамазон ойининг боши 995/1587 йилнинг август ойида тузилган. Ушбу *ривоят ҳужжат*да юқоридаги каби мазмундаги

[1] Ўша асар. مخدومي جدي Махдумим бобом.
[2] Катта эҳтимоллик билан бу ерда Шамсиддин Муҳаммад ал-Куҳистонийнинг юқорида тилга олинган рисола хулосаси назарда тутилмоқда.
[3] Махдумлардан мурод юқорида санаб ўтилган уламолар гуруҳидир.
[4] Биринчи *ривоят ҳужжати* 12 шаъбон, 995/1587 йилнинг 18 июлида тузилган.

масалалар кўтарилган бўлса-да, қўшимча сифатида қуйидаги саволлар ўрин олган: “Агар бу шаҳар *дор ал-харб*га боғлиқ бўлса бу шаҳар хазрат имом Аъзам ва имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад, Аллоҳ улардан рози бўлсин каби уламоларнинг иттифоқи билан *дор ал-харб* бўлади-ми? Агар он ҳазратнинг наздида бирон бир мусулмон мазкур шаҳарда зоҳир бўлса ва унинг қилаётган ишлари у ерда жамоатга тўғри келмаса, унинг қони ва моли шаръан ҳимоя қилинадими? Унга тажовуз қилиш ножоиз бўладими? Агар ислом аскарлари бу шаҳар (Ҳирот) дор ал-харбда ўлдирилса ғозий [яъни шаҳид] бўладими? Кофирлардан қатл қилинганлар абадий дўзахга лойиқ бўладиларми? Агар Худо сақласин мусулмон лашкарларидан ўлдирилганлар бўлса шаҳид ва жаннатга ҳақли бўладими?” Ёки йўқми? Очиқ ойдин баён қилинглар ва Аллоҳ ажрига эга бўлинглар” [19: 671*б*]. Юқорида қайд этилган саволлардан сўнг пастидан 9 та муфтийнинг муҳр легендаси берилган ва улар мазкур саволларга ижобий яъни “Бўлади” деб жавоб беришган [19: 671*б*].

Жўнг тузувчининг таъкидлашича, мазкур ривоят ҳужжати Мирзо мадрасасида рамазон ойининг боши 995/1587 йилнинг август ойида ёзилди ва тўққизта уламо томонидан тасдиқланган [19: 672*а*]. Ва бу уламолар қуйидагилардан иборат: 1) Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Саъид муфтий Бухоро. 2) Муҳаммад ал-Азизон ибн хожа хўрд (!) Азизон. 3) Поёнда Муҳаммад ибн Шамсиддин Муҳаммад. 4) Қувомиддин ибн Носириддин махдум. 5) Мулло мир Хишмат (?) ал-Ҳусайний 6) Садриддин Муҳаммад ибн ??? Ҳусайний ал-Бухорий. 7) Муҳаммад Тоҳир ибн шайх шоҳ Муҳаммад ал-Бухорий. 8) Нуриддин Муҳаммад ибн рукн ал-ислом ал-Алавий. 9) Муҳаммад Амин ибн Хожа калон муфтий ал-Бухорий. Мазкур ҳужжатни етказиб берувчи Муҳаммад Шариф ал-Бухорийдир.

Бу ерда машҳур Муҳаммад Амин ибн Хожа калон муфтий ал-Бухорийнинг невараси эса муфтий Муҳаммад Шариф эса Аштархонийлар даврига келиб муфтий бўлган ва шу сулола ҳукмдорларининг илтимоси билан асарлар битган[1]. Унинг тўлиқ исми Муҳаммад Шариф ал-муфтий ал-Ҳусайний ал-Бухорий ибн Муҳаммад

[1] Муҳаммад Шариф ўзининг “Рисола дар масоил аз Муҳаммад Шариф Ҳусайний муфтий” рисоласида Муҳаммад Аминни “катта бобом” (волид калон) деб тилга олади. Қаранг: [14: 33*а*].

Саъид ал-Бухорий (XVII)[1]. Кўриб турганимиздек, XVI–XVII асрларда Бухорода қозилик ва муфтийлик вазифаларини муайян хонадон вакиллари бошқарганлигини кўрсатади. Албатта бу борада янада чуқурроқ тадқиқот олиб бориш талаб этилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, юқорида баён қилинган фатволарнинг асли Шайбонийлар аниқроғи Убайдуллоҳхон ва Абдуллоҳхон даврида тузилган. Гарчанд мазкур фатволарнинг асл нусхаси ҳозирча аниқланмаган бўлса-да, мазкур топилманинг бир неча нусхалари мавжудлиги буларнинг аҳамияти бўлганлигини кўрсатади. Бу фатволар ўша даврдаги Хуросоннинг бир қатор шаҳарлари сафавийлар қўлига ўтгандан кейин шайбоний ҳукмдорлари "қизилбошичиларга" қарши курашда ғоявий асос бўлиб хизмат қилиб келган. Бу фатволар нафақат шайбонийлар даври учун балки улардан кейин келган сулолалар Аштархоний ва Манғитларнинг Хуросондаги шиаларга қарши юришларида "сиёсий ҳужжат" бўлиб хизмат қилган бўлиши керак. Сабаби бу фатволар кейинги давр *жўнг*ларида ҳам келган[2]. Фатвонинг тузувчиларига келсак уларнинг барчаси Бухоронинг кўзга кўринган уламолари бўлиб, улар ҳукумат элитасига яқин бўлган шахслардир. Ва улар юртнинг нафақат диний-ижтимоий, балки сиёсий ҳаётида ҳам фаол бўлганини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Бакр Заҳир ад-дин ал-Марғиноний. ал-Фатово аз-заҳирийа. ЎзР ФА ШИ Асосий фонд қўлёзмаси, № 5803.
2. Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандий. Шарҳ таъвилот аҳл ас-сунна. ЎзР ФА ШИ Асосий фонд қўлёзмаси, № 3249.
3. Абу-л-Фатҳ Бурҳониддин Носир ибн Абдуссайид ибн Али ал-Муттаризий ал-Хоразмий. Ал-Муғриб. ЎзР ФА ШИ Асосий фонд қўлёзмаси, № 9761.

[1] Унинг тўлиқ исми шарифи мана бу қўлёзманинг колофон қисмида берилган. Қаранг: [13: 37*а*].

[2] ЎзР ФА ШИда сақланаётган Мавлавий Амир Боқий ибн Амир Шариф таҳририда яратилган ва 1111/1705 йилда кўчирилган 4926 рақамли *Жўнг* нусхаси [10], шунингдек, манғитлар даврида кўчирилган ва тузувчиси номаълум бўлган 2395 рақамли *Жўнг* қўлёзмасида ҳам кўриш мумкин.

4. Ал-Ҳасан Али ибн Аҳмад ал-Воҳидий. Ал-Васит фи ат-тафсир. ЎзР ФА ШИ Асосий фонд қўлёзмаси, № 3156.
5. Ал-Ҳасан ибн Муса ан-Наубахти. Шиитские секты / Перевод с арабского, исследование и комментарий С.М. Прозорова. Москва, 1973.
6. Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио–Ташкент, 2010.
7. Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи / Нашрга тайёрловчи Сирожиддин Аҳмад. Тошкент, 1990.
8. Ислом. Энциклопедияси: А-Ҳ / З. Ҳусниддинов таҳрири остида. Тошкент, 2004.
9. Камалиддинов Ш.С. Китаб ал-ансаб. Абу Са‘да Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Сам‘ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. Ташкент, 1993.
10. Мавлавий Амир Боқий ибн Амир Шариф. Жўнг. ЎзР ФА ШИ Асосий фонд қўлёзмаси, № 4926.
11. Маъолим ад-дин. (муаллифи номаълум) ЎзР ФА ШИ Асосий фонд қўлёзмаси, № 10301.
12. Мирза Абдал‘азим Сами. Тарих-и Салатин-и Мангитийа (История Мангытских государей) / Изд. текста, предисловие, перевод и примечания Л.М. Епифановой. Москва, 1962.
13. Муҳаммад Шариф Муфтий. Рисола ал-машкурийа. ЎзР ФА ШИ Асосий фонд қўлёзмаси, № 5513.
14. Муҳаммад Шариф Муфтий. Рисола дар масоил аз Муҳаммад Шариф Ҳусайний муфтий. ЎзР ФА ШИ Асосий фонд қўлёзмаси, № 7582/III.
15. Собрания Восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР (каталог) / Под редакцией и при участии А.А. Семенова. Т.IV. Ташкент, 1957.
16. Собрания Восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР (каталог) / Под редакцией и при участии А.А. Семенова и Д.Г Вороновского. Т.VI. Ташкент, 1963.
17. Собрания Восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР (каталог) / Под редакцией и при участии А.А. Семенова и Д.Г. Вороновского. Т.VIII. Ташкент, 1967.

18. Собрания Восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР (каталог) / Под редакцией и при участии А. Урунбаева и Р.П. Джалиловой. Т.XI. Ташкент, 1987.
19. Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Маҳбубий ал-Бухорий. Мухтасар ал-виқоя [маъ жўнг]. ЎзР ФА ШИ Асосий фонд қўлёзмаси, № 10727.
20. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома (Шарафномайи шоҳий) Иккинчи китоб / Форс тилидан С. Мирзаев ва Ю. Ҳакимджанов тарж.; Изоҳлар муаллифи: Б. Аҳмедов. Тошкент, 2000.
21. Hisao Komatsu. From Holy War to Autonomy: Dār al-Islām Imagined by Turkestani Muslim Intellectuals // Cahier d'Asie Centrale. 17/18 2009. P. 449–475.
22. Jürgen Paul. Two ğung Manuscripts from Late Nineteenth-Century Bukhara // Personal Manuscripts: Copying, Drafting, Taking Notes. Edited by David Durand-Guédy and Jürgen Paul. Berlin/Boston. 2023. P. 360–362.
23. Mukhammadaminov S.A. Jung – the collection of practicing traditional judge of Central Asia (end of 16th century – 19th century). // https://ifeac.hypotheses.org/3217 2016.

С. Муҳаммадаминов

XVII аср Марказий Осиё *жўнг* тўпламларида *уруш диёри* масаласи

Мазкур мақолада Бухорода XVII асрда тузилган "*жўнг*"дан (фиқҳий масала ва фатволар тўплами) ўрин олган шиа тоифасининг ақидавий қарашлари ҳақида ва Хирот шаҳри *дор ал-харб*ми ёки йўқми, деган сўровга жавоб тарзида тузилган фатволар матни ҳақида бўлиб, улар Шайбонийлар анқироғи Убайдуллоҳхон(1533–1539) ва Абдуллоҳхон II (1583–1598) даврида тузилган. Бу фатволар Хуросон ҳудудидаги бир неча шаҳарларни босиб олиб жумладан, Ҳирот шаҳри ва у ерда ўз диний сиёсатини ўтказган сафавийларга қарши қаратилган. Мазкур фатволар ЎзРФАШИда сақланаётган № 10727 рақамли "Мухтасар ал-виқоя маъ *жўнг*" тўпламидан ўрин олган. Ушбу

фатволарни тузишда Шайбонийлар даврида яшаган бир қатор йирик Бухоро уламолари жумладан, қози Нуриддин Муҳаммад, Муҳаммад Шариф Бухорий, Муҳаммад Амин муфтий ал-Бухорий кабилар иштирок этишган. *Жўнг*да аниқланган фатволарнинг асосий моҳияти Сафавийлар сафида бўлган қизилбошчилар томонидан босиб олинган Ҳирот шаҳри эндиликда *дор ал-харб* диёрига айланиши ва шу шаҳарни бошқариб турган қизилбошлиларга қарши харбий юришнинг легитимлигини асослашдан иборат бўлган.

Калит сўзлар: *дор ал-харб (уруш диёри), дор ал-ислом (ислом диёри), ислом ҳуқуқи (фиқҳ), ҳукм (фатво), фиқҳий масалалар тўплами (жўнг), Шайбонийлар, Сафавийлар, уламолар.*

С. Мухаммадаминов

Вопросы территория войны в среднеазиатских сборниках правовых заключений XVII века

В данной статье рассматриваются фетвы, которые вошли в состав сборника правовых решений (*джунг*), составленного в XVII веке в Бухаре, и касались вопроса так называемой «территории войны» (*дар ал-харб*). В этих фетвах говорилось о некоторых догматических взглядах ши’итов и давалось подробное разъяснение относительно вопроса о том, «является ли город Хират/Герат *дар ал-харб* или же нет?» Сами тексты фетв относятся ко временам правления шайбанидских правителей ‘Убайдаллах-*хан*а (1533–39) и ‘Абдаллах-*хан*а II (1583–98) и направлены против представителей Сафавидской династии, которые, захватив несколько городов в Хорасане, стали проводить там свою религиозную политику. Рассматриваемые фетвы были взяты из рукописи «Мухтасар ал-викайа ма‘а джунг», хранящейся в Институте востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан под № 10727. В их составлении принимали активное участие такие крупные бухарские улемы, как *кади* Нур ад-дин Мухаммад, Мухаммад-Шариф ал-Бухари, Мухаммад-Амин Муфтий ал-Бухари. Основная суть фетв сводилась к тому, что город Герат, занятый кызылбаши/*кизил-баши*, т.е.

подданными Сафавидского государства, отныне считался *дар ал-харб* и военный поход на его территорию становился легитимным.

Ключевые слова: *территория войны (дар ал-харб), территория ислама (дар ал-ислам), исламское право (фикх), правовое заключение* (*фетва*), сборник правовых заключений (*джунг*), *Шайбаниды, Сафавиды, улемы.*

S. Muhammadaminov

Issues of war territory in Central Asian collections of legal opinions of the XVII century

This article discusses fatwas that were part of a collection of legal rulings (jung) compiled in the 17th century in Bukhara, dealing with the issue of the so-called “territory of war” *(dar al-harb)*. These fatwas referred to certain dogmatic views of the Shi'ites and gave a detailed explanation of the question of “whether the city of Hirat/Herat is dar al-harb or not?”. The fatwas themselves date back to the reigns of the Shaybanid rulers 'Ubaydallah Khan (1533–39) and 'Abdallah Khan II (1583–98) and were directed against the representatives of the Safavid dynasty who, having seized several cities in Khorasan, began to pursue their religious policy there. The fatwas under consideration were taken from the manuscript “Mukhtasar al-vikaya ma'a jung” stored in the Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan under No. 10727. Such major Bukhara ulema as Qadi Nur al-Din Muhammad, Muhammad-Sharif al-Bukhari, Muhammad-Amin Mufti al-Bukhari took active part in their compilation. The main essence of fatwas was that the city of Herat occupied by qizilbashi/qizil-bashi, i.e. subjects of Safavid state, was henceforth considered as dar al-kharb and military campaign to its territory became legitimate.

Key words: *territory of war (dar al-harb), territory of Islam (dar al-Islam), Islamic law (fiqh), legal opinion (fatwa), collection of legal opinions (jung), Shaybanids, Safavids, ulema.*

Бизнинг муаллифлар

1. **Азимов Хуршид Хакимович –** тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик интитути катта илмий ходими.
2. **Абдурасулов Хушнуд Абдуллаевич –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик интитути кичик илмий ходими.
3. **Алимова Лазиза Алишер қизи** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
4. **Базарбаев Акмал Муратович** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.
5. **Жўраев Жалолиддин Олимжонович –** филология фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.
6. **Каримова Наталья Эрмановна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.
7. **Каримова Сурайё Убайдуллаевна –** тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик интитути директори ўринбосари.
8. **Маҳмуд Ҳасаний –** тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.

9. **Муҳаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.
10. **Турсунов Рустам Миршоҳидович –** мустақил тадқиқотчи, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги масъул ходими.
11. **Усмонов Иброҳим Собирович –** тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти докторанти.
12. **Хуснутдинов Филипп Романович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
13. **Эшонова Салимахон Нишонбек қизи** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Шарқ мумтоз адабиёти бўлими мудири.
14. **Якубов Қахрамон Каримджанович** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.

Наши авторы

1. **Азимов Хуршид Хакимович –** доктор философии (PhD) по историческим наукам, старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
2. **Абдурасулов Хушнуд Абдуллаевич** – младший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
3. **Алимова Лазиза Алишер кизи** – Младший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
4. **Базарбаев Акмал Муратович** – доктор философии (PhD) по историческим наукам, старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
5. **Джураев Джалолиддин Алимджанович** – доктор филологических наук, ведущий научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
6. **Каримова Наталья Эрмановна** – доктор исторических наук, профессор, ведущий научный сотрудник Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.
7. **Каримова Сурайё Убайдуллаевна –** доктор исторических наук, профессор, заместитель директора Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
8. **Махмуд Хасани –** доктор исторических наук, ведущий научный сотрудник Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.

9. **Мухаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** кандидат исторических наук, страший научный сотрудник Института вотоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
10. **Турсунов Рустам Миршахидович –** независимый исследователь, ответственный сотрудник Министерства экологии, охраны окружающей среды и изменения климата Республики Узбекистан.
11. **Усманов Ибрахим Сабирович** – кандидат исторических наук, доцент, докторант Института вотоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
12. **Хуснутдинов Филипп Романович –** младший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
13. **Эшонова Салимахон Нишонбек кизи** – кандидат филологических наук, заведующий отделом Классической восточной литературы Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
14. **Якубов Кахрамон Каримджанович** – доктор философии (PhD) по историческим наукам, старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ours authors

1. **Akmal M. Bazarbaev** – PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
2. **Djaloliddin A. Djuraev** – Doctor of Philology, Leading Research fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
3. **Filipp R. Khusnutdinov –** Junior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
4. **Ibrahim S. Usmanov –** PhD in History, Associate Professor, doctoral student at the Institute of Current Studies named after Abu Raikhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
5. **Khurshid Kh. Azimov –** PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
6. **Khushnud A. Abdurasulov** – Junior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
7. **Laziza A. Alimova** – Junior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
8. **Mahmud Hasaniy** – Doctor of History, Leading Research fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
9. **Natalya E. Karimova** – Doctor of History, Professor, Leading Research fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.

10. **Qahramon K. Yakubov** – PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
11. **Rustam M. Tursunov –** Independent Researcher, Responsible Employee of the Ministry of Ecology, Environmental Protection and Climate Change of the Republic of Uzbekistan.
12. **Saidakbar A. Muhammadaminov –** PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
13. **Salimakhon N. Eshonova** – PhD in Philology, Senior Research Fellow, Head of the Department of the Classical Literature of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
14. **Surayyo U. Karimova –** Doctor of History, Professor, Deputy Director of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.